

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАРАСУЛОВ БАХРИДДИН ШАКАСИМОВИЧ

**МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ СУБСТАНЦИОНАЛ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2018

УДК:323.1.(575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Мамарасулов Бахриддин Шакасимович

Миллий ғоянинг субстанционал ва институционал хусусиятлари.....3

Мамарасулов Бахриддин Шакасимович

Субстанциональные и институциональные особенности национальной
идеи..... 19

Mamarasulov Bakhriddin Shakasimovich

The the substantial and institutional features of the national idea 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....39

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАРАСУЛОВ БАХРИДДИН ШАКАСИМОВИЧ

**МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ СУБСТАНЦИОНАЛ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Fal109 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абилов Ўрол Муродович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хусейнова Абира Амановна,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Мухторов Азамат
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент ирригация ва кишлок
хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институту

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____куни тарқатилди.
(20__йил «__» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

А.Р.Самадов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ш.С.Кушаков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқлари тараққиётининг шиддат билан ривожланиб бориши ҳар бир даврда муайян ғоя ва мафкуралар асос бўлиб келган. Бу ғоя ва мафкуралар бугунги кунда геополитик, геомафкуравий ва панғояларнинг таъсирида зиддиятли, конфликтоген омилларни вужудга келтирмоқда. Шу боис мавжуд этносиёсий муаммоларни глобал миқёсда чуқурлаштирмаслик, миллий-этник интеграцияни амалга ошириш, полиэтник жамиятлардаги социал вазиятларни нормаллаштириш, миллатлараро тотувликни таъминлаш учун миллий ғоянинг институционал тизим сифатидаги ўрнини мустаҳкамлаш масалаларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида миллий ғоянинг миллий тараққиётга хизмат қилувчи жиҳатларини, айниқса, мафкуравий иммунитетни тарбиялаш, миллатлараро ҳамжиҳатликни қарор топтиришда унинг субстанционал ва институционал хусусиятларини тадқиқ этиш ижтимоий фалсафанинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Хусусан, айрим мамлакатларда юзага келаётган этник ихтилофлар, сепаратизм ҳаракатларининг олдини олишда бундай тадқиқотлар муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли миллий ғояни институционал негизда шакллантириш ва унинг субстанционал хусусиятларини ижтимоий-гуманитар фанларнинг тегишли категориялари асосида таҳлил этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида миллий ғоянинг таъсирчанлигини янада кучайтириш, аҳолининг барча қатламларига, айниқса, ёшларнинг онги ва қалбига сингдириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Зеро, «Ўзбекистонни технологик ривожлантириш... бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим»¹. Бу эса юртимизда миллий ғоянинг субстанционал ва институционал жиҳатдан ривожланиш имкониятларининг назарий-фундаментал асосларини янада мустаҳкамлаш ҳамда тараққий эттиришга кенг йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ- 3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада

¹ Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. -116-бет.

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат тараққиёт йўлини белгилаш учун миллий ғояни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси ва уни янги босқичга кўтаришда Президент Шавкат Мирзиёев асарларидаги маънавий-ахлоқий кадриятларни, миллий ўзликни англаш ва ўзбек давлатчилиги тизимини янада мустаҳкамлаш борасида билдирган фикрлари мазкур тадқиқотнинг илмий-методологик асоси бўлиб хизмат қилди.

Ҳозирги даврда миллий ғоянинг ижтимоий моҳияти, жамиятнинг маънавий қиёфаси ва унинг ижтимоий муҳитга таъсири, ҳар бир миллат ва инсон эҳтиёжи, ҳаётий талаблари билан боғлиқлик хусусиятларини ўрганиш ва уни тизимли тарзда шакллантириш, ривожлантириш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу маънода, халқимизнинг миллий ғояси такомилда муқаддас ислом дини алломаларининг ҳам ўзига хос маънавий таъсири¹ ўз аксини топаётганлигини эътироф этиш мумкин. Мазкур йўналишда, Э.Ю.Юсупов, Х.А.Шайхова, С.Мамашокиров, И.Эргашев, С.Отамуродов, Ў.М.Абилов, Б.О.Тураев, Қ.Н.Назаров, А.Эркаев, А.Очилдиев, Ж.Яхшиликков каби олимларнинг изланишларини алоҳида таъкидлаш лозим².

Хорижлик олимлардан Janusz Ziolkowski, Paul Burnstein, V. Bengtson, M. Riley, Elisabeth Noelle-Neumann каби олимларнинг мазкур соҳага оид тадқиқот объекти сифатида умумий жиҳатлари тадқиқ этиган бўлса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан Э.Ильенков, В.С.Барулин, В.А.Беляев, Н.А.Бердяев, А.В.Осипова, И.Б.Сесюнина, Ю.П.Евдокимова ва бошқа тадқиқотчилар³ томонидан масаланинг хусусий жиҳатлари ўрганилган.

Бундан ташқари, илмий тадқиқот йўналишида А.Мухторов, Ҳ.Саидходжаев, О.Юсупов, М.Собирова, Ҳ.Расулов, О.Маматов, Ш.Тўраев, Р.Қурбонов ва бошқаларнинг диссертация ишлари ҳимоя қилинган бўлиб, уларда мавзуга доир айрим масалалар таҳлил қилинган.

¹ Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи. -2016. - 19 октябрь.

² Номлари қайд этилган муаллифлар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да кўрсатилган.

³ Janusz Ziolkowski. Democracy, public opinion and the media//Pontifical Academy of Social Sciences, Acta 6, Vatican City 2001. p.178.

Бироқ юқорида эслатиб ўтилган асарларда миллий ғоянинг субстанционал асослари ва институционал механизми етарлича ўрганилмаган. Шу боис биз тадқиқот ишида миллий ғояни илмий-назарий, методологик асосларини ишлаб чиқиш, унинг институционал тизим фаолиятини функционал интеграциялаш ва ижтимоийлашиш хусусиятларини ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш ҳамда асослаб беришни кўзда тутдик.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишларининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қарор топишининг фалсафий-маънавий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий ғоянинг субстанционаллашуви ва институционаллашуви хусусиятларини ўрганишнинг жамият ҳаёти ва истиқболи учун муҳим аҳамиятини ижтимоий-фалсафий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“миллий ғоянинг субстанционаллашуви” ва “миллий ғоянинг институционаллашуви” тушунчаларига илмий таъриф ва тавсиф бериш орқали уларнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти ва мазмунини, умумметодологик асосларини ҳамда ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

ҳозирги глобаллашув шароитида миллий ғоянинг жамият тараққиёти учун субстанционал асос ва институционал механизм тарзида намоён бўлиши, унинг инсон ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш омили эканлиги борасида тўпланган ижобий тажрибани умумлаштириш;

миллий ғоя амалиётидаги субстанционаллашув ва институционаллашув диалектикасига мутлақо зид бўлган антисубстанционаллашув ва ноинституционаллашув жараёнларининг оқибатларини очиб бериш ҳамда уларни бартараф этиш асосида уларнинг мафкуравий харитасини тузиш;

мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий ғоянинг жамиятни ривожлантиришдаги субстанционал асос сифатидаги аҳамиятини ошириш ва унинг амал қилиш институционал механизмини такомиллаштириш тамойиллари ва ушбу жараённинг ўсиб бориш динамикасини таҳлил қилиш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва янги ланишлар жараёнида миллий ғоянинг жамият тараққиёти учун субстанционал асос ва институционал механизм сифатидаги таъсирчанлигини янада кучайтиришнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маърифий асосларини янада мустаҳкамлаш имкониятларини кўрсатиб бериш;

ҳозирги даврда миллий ғоянинг субстанционаллашув ва институционаллашув диалектикасини жамиятни ривожлантиришнинг маънавий омили сифатидаги самарадорлигини янада ошириш йўллари, усуллари ва воситаларини кўрсатиш, бу борадаги зарур хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат қилиб белгиланган.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон халқи манфаатларини ифодаловчи миллий ғоя ва мафкура ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети миллий ғоянинг субстанционаллашуви ва институционаллашувининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омилларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг индукция ва дедукция, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, умумлаштириш каби методлари, тизимли, структурали-функционал ёндашувлардан самарали фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«миллий ғоянинг субстанционал асоси» ва «миллий ғоянинг институционаллашуви» тушунчалари яққалик, хусусийлик ва умумийлик каби диалектик категориялар орқали очиб берилган;

миллий ғоянинг антисубстанционаллашув ва ноинституционаллашув жараёнлари асосида турли ҳудудлар ва соҳалар учун мафкуравий таҳдидлар харитаси тузиш зарурлиги асосланган;

глобаллашув шароитида миллий ғоянинг субстанционал асослари ижтимоий тараққиётда институционалашиши аниқланган;

миллий ғоянинг субстанционал ва институционал асосларининг фуқароларни турли “оммавий маданият” кўринишидаги мафкуравий таъсир ва тажовузлардан ҳимоялашнинг корреляцион алоқадорлигига таянадиган миқдор ва сифат ўзгаришлари динамикаси кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Мамлакатимиз аҳолисини мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялаш ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришда миллий ғояни кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш, унинг таъсирчанлигини оширишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги концептуал қарашлар умумлаштирилган ҳамда конкретлаштирилган.

Миллий ғоянинг субстанционал асоси ва институционал тизимини уйғун тарзда шаклланиши ва ривожланиш қонуниятлари, объекти ва субъекти, ижтимоий аҳамиятини янада ривожлантириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолаларда берилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. “Миллий ғоянинг субстанционаллашуви” ва “миллий ғоянинг институционаллашуви” тушунча ва таърифларини ишлаб чиқишга, шунингдек “Миллий ғоя тарихи ва назарияси”, “Маънавият асослари” ва “Фалсафа” фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитиш ҳамда такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги изоҳланган.

Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг самарадорлигига, жамият тараққиётидаги янгиланиш даврида ғоявий омилларнинг роли кучайишига хизмат қилиши миллий ғоянинг жамиятни ривожлантиришда

институционал механизми мукаммал ривожланган, демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатадиган бўлиши зарур. Бу муаммони ўрганиш миллий мафкурани шакллантиришда, аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшларда миллий ғояга садоқат туйғусини шакллантиришга қаратилган зарурий хужжатлар, илмий-амалий ишланмалар, шунингдек, усул ва воситаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мамлакатимиз ҳаётида миллий ғоянинг субстанционал ва институционал хусусиятларини тадқиқ этиш асосида:

“Миллий ғоянинг субстанционаллашуви” ва “миллий ғоянинг институционаллашуви” тушунчалари, таърифлари, уларнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти, умумметодологик асослари ва ўзига хос хусусиятларининг очиб берилиши, мамлакатимизнинг ривожланиш концепцияси, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2017 йилнинг II ярим йиллигига мўлжалланган иш режасининг “Аниқ, мақсадли йўналишларда кадрлар тайёрлаш давр талаби” (23-банд); “Ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган ҳамда миллий анъана ва кадриятларимизни улуғлашни тарғиб қилувчи ижтимоий видеороликларни яратиш ва уларнинг кенг намоёнишини ташкил қилиш” (106-банд) бандларини ишлаб чиқишда қўлланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2018 йил 22 январдаги 04-13/264-сон маълумотномаси). Бу Ўзбекистон ёшларининг ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ривожланишига имкон яратган;

худудларнинг мафкуравий харитасини тузиш ва шу асосида у ерда миллий ғоянинг жамият тараққиёти учун субстанционал асос ва институционал механизм тарзида намоён бўлиши билан боғлиқ ижобий тажрибаларни умумлаштириш орқали унинг инсон ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш истиқболларини прогнозлаштиришга мутасадди институтлар фаолиятини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2017 йилда амалга ошириладиган иш режасининг 1.4, 1.16-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 6 январдаги 02/07-19-18-сон маълумотномаси). Бу миллий ғоя ва мафкурани ривожлантириш ва тарғибот қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш йўллари ва имкониятларига оид илмий-назарий ғоялар ҳамда амалий тавсиялардан Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2017 йилда мўлжалланган иш режасини тузиш ва ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 6 январдаги 01/05-684-сон маълумотномаси). Бу ҳалқимиз мафкуравий иммунитетни

шакллантириш, динимизга ҳурматни янада ошириш, инсонпарварлик ва бағрикенглик моҳиятини кенг тушунишга ижобий таъсир қилган;

миллий ғоянинг субстанционал ва институционал асослари фуқароларни турли “оммавий маданият” кўринишидаги салбий мафкуравий таъсирлар ва тажовузлардан ҳамда ғоявий таҳдидлардан ҳимоялаш бўйича таклиф ва тавсиялар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 26 декабрда тасдиқланган “Вазирлик тасарруфидаги муассасаларда маънавият-маърифат йўналишида ва миллий ғоя тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича 2017 йилга мўлжалланган тадбирлар режаси”нинг 10-11-бандларидаги “Ёшларда тиббиёт соҳасига оид миллий кадриятларимизга хос тамойилларни такомиллаштириш, кенг тарғиб қилиш (инсоф, диёнат, меҳр-мурувватлилик ва бошқалар)”, “Ёшларни ахлоқий жиҳатдан ўзгартириш, бузилишга олиб келувчи турли “оммавий маданият” кўринишларига қарши миллий урф-одат, кадриятларни мунтазам тарғиб қилишнинг оптимал вариантларни ишлаб чиқишга оид белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилганди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 январдаги 8-9-8/10-сон маълумотномаси). Бу фуқароларнинг ахлоқий бузилишларининг олдини олиш ва қайта тарбиялаш сифатига самарали таъсир кўрсатишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 1 та халқаро ва 5та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола (5та республика ва 1 та хорижий журналларда), 13 дан ортиқ хорижий ва республика конференция материаллари тўпламида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва жадваллардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот матнининг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги асосланган, илмий ишнинг мамлакатимиз фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, изланишлар жараёнида олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Миллий ғоянинг субстанционаллашуви ва институционаллашуви мавзунинг ижтимоий-фалсафий масалалари**” деб номланган биринчи бобида дастлаб “Миллий ғоя”, унинг моҳияти, мазмуни

ҳамда ижтимоий онгдан мустаҳкам жой эгаллашининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари таҳлил этилган. Миллий ғоянинг субстанционаллашув ва институционаллашув хусусиятларини илмий-фалсафий жиҳатдан ўрганишда шу пайтгача ижтимоий фанларда тўпланган илмий қараш ва назарияларни таҳлил этиш, тадқиқ этилаётган объектга доир масалалар қамровини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу бобда “Миллий ғоянинг субстанционаллашуви” тушунчасининг фалсафий моҳияти ва ижтимоий хусусиятлари атрофлича таҳлил қилинган.

Фалсафада субстанционаллик лотинча *Substantia* – моҳият, асос тушунчаси билан боғлиқ деб талқин этилади, ушбу категорияга «субстрат» (лот. - негиз) тушунчаси яқин туради, деб қаралади. Барча жамиятлар ва инсоният тараққиётининг ҳамма босқичларида, ижтимоий ўзгаришлар замирида бошқа жонзотлардан ўзининг онги ва тафаккури билан тубдан фарқ қиладиган ва мақсадга мувофиқ фаолиятни амалга оширадиган инсон ижтимоий ҳаёт субстрати деб ҳисобланади.¹

Маълумки, ҳозирги замон фалсафасида бу ёндашув мустаҳкам ўрин олган, бироқ миллий ғоя феноменига нисбатан энди татбиқ этилмоқда. Бу жиҳатдан, “Миллий ғоянинг субстанционал хусусияти” тушунчасининг таърифи қуйидагича: – бу миллий ғоя моҳиятининг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиши, унинг ўз соҳиби – Ўзбекистон халқи онгу шууридан мустаҳкам жой олиши, эътиқодига, ҳаракатга келтирувчи кучига, фаолиятига мазмун бағишлайдиган мотивга айланишидир. Модомики миллий ғоя жамият тараққиёти учун зарур ҳаракатлантирувчи куч экани унинг субстанционал ва институционал хусусиятлари орқали амалга ошар экан, бу жараёнда ана шу икки жиҳатнинг ўзаро алоқадорлик ёки алоҳидалик муносабатлари қандай, деган саволга ғоялар ҳақидаги илмий-назарий манбалардан жавоб топиш лозим бўлади.

Диссертацияда “Миллий ғоянинг институционаллашуви” тушунчаси ҳам ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан атрофлича таҳлил қилинган. Бизнинг таърифга кўра, мазкур тушунча шахс ва жамиятнинг мафкуравий қиёфаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини, давлат ва жамият ҳаётининг ғоявий ҳолати ва уларнинг мафкура жабҳасида амалга оширилаётган фаолиятини ташкил этиш тизимининг ижтимоий-фалсафий ифодасидир.

Шунинг учун ҳам, миллий ғоянинг бугунги кундаги институционаллашуви жараёнининг самарали амалга ошишини таъминлаш нуқтаи назаридан хавфсизликка оид мавжуд замонавий концепцияларни ўрганиш, улар орасидаги умумийлик ва фарқларни белгилаш бу йўналишдаги тадқиқотчилар олдидаги устувор вазифага айлангани шубҳасиз. Бу ўз навбатида, замонавий миллий тараққиётда мавжуд ғоялар тизимининг институционаллашувини самарали амалга ошириш ички ва ташқи сиёсат ҳамда хавфсизликни таъминлаш жараёнида асосий масалалардан бири ҳисобланади. Бу жиҳатдан миллий ғоянинг институционаллашуви

¹Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. 2-китоб. -Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2016., 125-бет

парадигмаларини демократик жамиятда маърифатли инсонни шакллантириш омилларига мослаштириш лозимлигини мустақиллик йилларидаги тажрибамиз тасдиқлайди.

Диссертацияда миллий ғоя субстанционаллашуви ва институционаллашуви жараёнининг жамият тараққиётидаги ўзига хос ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1) Миллий ғоя субстанционаллашуви ва институционаллашуви кенг қамровли тушунчалар бўлиб, улар ҳар хил ҳолатларга қарамасдан инсон, жамият, миллат, халқ, давлатнинг куч-қудратини оширувчи жуда серқирра ижтимоий-тарихий ҳодисадир. Бу жиҳатдан улар кўпгина ижтимоий функцияларига кўра инсоннинг дунёқараши, оламга ва ҳаётга муносабати шаклланишида ниҳоятда муҳим омил сифатида намоён бўлади.

2) Миллий ғоя субстанционаллашуви ва институционаллашуви жамият ривожини билан ўзаро боғлиқ бўлган, бир-бирини бойитиб борадиган узвий алоқадор жараёнлар бўлиб, уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай ўзаро алоқадор муносабатлар инсон, миллат, давлат ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларнинг ривожланишига ва унинг ҳар бир йўналишида тараққий қилиши учун хизмат қилади.

3) Миллий ғоя субстанционаллашуви ва институционаллашуви жамият ҳаётида зарурий характерга эга бўлган жуда кўп ҳодисалардан бири сифатида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муносабатларни шакллантиришга катта таъсир кўрсатади. Унинг мана шундай зарурий характерга эга эканлиги миллат вакиллари ҳаёти ва фаолияти учун долзарб ва зарурий аҳамият касб этади. Унга нисбатан талаб ҳеч маҳал йўқолмайди ва бу ҳар хил объектив ва субъектив омиллар асосида доимий равишда ўз таъсирини намоён қилади. Демак, миллий ғоя субстанционаллашуви таъсирида жамиятда ривожланиш юз беради ва унда турли ўзгаришлар, янгиланишлар амалга ошади.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ғоя барча замонларда, жумладан бугунги Ўзбекистонда ҳам, халқ тарихи ва тақдири, унинг ҳаёти билан боғлиқ чуқур илдизлар ва фалсафий-ғоявий асосларга эга бўлиб, у тенглик, тараққиёт, фаровонлик каби ижтимоий омиллар асосида вужудга келади ҳамда одамларнинг фаолияти орқали амалга ошади.

Диссертациянинг **“Глобаллашув даврида миллий ғоянинг субстанционаллашиши ва антисубстанционаллашиши, институционаллашиши ва ноинституционаллашиши жараёнлари”** деб номланган 2 боби бошланишида қайд этиладики, бугунги глобаллашув даврида инсониятнинг яшаш мезонлари ва мақсад-муддаолари, уларга эришиш йўллари ва усуллари ҳақидаги қарашлар ҳамда бу масалага ёндошувлар ниҳоятда тез ўзгариб бормоқда.

Тадқиқот айна пайтда, бундай тезкор ижтимоий жараёнлар ижобий бўлса, ўз навбатида, миллий ғоянинг самарали субстанционаллашуви ва институционаллашувига, яъни унинг муайян жамият ёки халқ ҳаётининг таянчи маънавий асоси, тараққиётининг муҳим мафкуравий омиллари билан бирига айланишига имконият яратишидан далолат беради. Аксинча, миллий

ғоялар амалиётидаги тезкор салбий ўзгаришлар, муқаррар суратда, уларнинг антисубстанционаллашиши ва ноинституционаллашиши, яъни миллат, халқ, жамият тараққиётининг асосий субстанционал таянчи ва амалий институционал тизимларидан бири сифатидаги аҳамиятини йўқотиб қўйишига сабаб бўлади. Ушбу нуқтаи назардан, бутун дунё миқёсида, жумладан бизнинг мамлакатимизда ҳам, миллий ғоя соҳасидаги бу тахлит серқирра ва мураккаб жараёнларни ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш зарурати ушбу масалани мазкур фаннинг муҳим ва долзарб изланиш объектларидан бирига айланганидан далолат беради.

Диссертацияда “Ҳозирги даврда миллий ғоянинг субстанционаллашиш ва антисубстанционаллашиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари” мавзусига алоҳида аҳамият қаратилган. Бу борада аввало, бир томондан, кейинги ўн йилликлар дунёнинг баъзи жойларида рўй бераётган сиёсий можаролар, маънавий бузилишлар ва иқтисодий таназзул, иккинчи томондан эса, кўпроқ Ғарб мамлакатларига хос бундай тенденцияларнинг глобаллашув ва ахборотлашув туфайли бутун оламга ёйилиб бораётгани инсониятни ташвишга солмоқда, огоҳлик ва ҳушёрлик давр талабига айланмоқда.¹

Бундан кўриниб турибдики, ХХІ асрнинг дастлабки йиллари ўз ривожига миллий ғоялар тизимининг субстанционаллашишдан кўра, антисубстанционаллашиш босқичини бошдан кечираётган жаҳон ҳамжамятида ушбу омилнинг ўрни ва аҳамиятини жиддий ўзгартириб юбораётган даврга айланди. Ўз навбатида, бу, миллий ғоянинг субстанционаллик хусусиятини йўқотиши ва таъсири камайиб, унинг амалиётида антисубстанционаллашиш жараёни кучайиб боришига сабаб бўлмоқда.

Диссертациянинг “Миллий ғоянинг институционаллашиш ва ноинституционаллашиш жараёнининг умумий ва хусусий жиҳатлари” параграфида таъкидланганидек, ҳозирги вақтда бутун жаҳонда эзгу ғояларни яратиш ва уларга мос кадриятларни шакллантириш механизми издан чиқмоқда, тўғрироғи, сунъий равишда издан чиқарилмоқда, яъни институционаллашишдан кўра ноинституционаллашиш билан боғлиқ жиддий муаммолар пайдо бўлмоқда, янги мафкуравий таҳдид кучайиб бормоқда.

Юқоридаги фикрлар асосида хулоса қиладиган бўлсак, миллий ғоя институтлари фаолиятининг самарасизлиги ўлароқ хорижий ўлкаларда қўйидаги салбий ҳодисалар юзага чиқмоқда:

четдан нусха олинган ҳаёт тарзи ва усули, хатти-ҳаракат ва мулоқотнинг миллий ғоя ва у асосдаги этник маданият учун хос бўлмаган стереотиплари ва меъёрлари, ўзига хос мода, ишдаги мулоқотда ва кундалик нутқда хорижий ибораларнинг кенг тарқалиши;

¹ Куронов М. Огоҳлик: тарих ва замон сабоқлари. –Т.: Маънавият, 2015.–112 б.

кўплаб кишиларда ватанпарварлик ҳиссининг камайиши, ўз халқининг қаҳрамона ўтмиши ва тарихидаги муҳим ҳодисаларга, унинг миллий қаҳрамонлари ва маданий анъаналарига бефарқ, беписанд муносабат;

ўзгалар ҳаёти ва тақдирига нисбатан бефарқлик ва лоқайдлик, миллат ва жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг камайиши;

ривожланган порахўрлик ва гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик ва товламачиликнинг турли кўринишлари, иқтисодий жиноятлар;

ижтимоий табақаланишнинг ўта сезиларли даражасига кўниккан ва унга интиладиган кишилар сонининг ортиши, фаровон бўлмаган оилалар кўплиги, болалар қаровсизлиги ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ғоя субстанционаллашуви ва институционаллашуви кўп ҳолларда йўналтирувчи ва ҳаракатлантирувчи ғоя, тимсол ва манбалар орқали намоён бўлади, жамият ва инсонни эзгу мақсадлар сари йўналтиради, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди.

Диссертациянинг **“Мустақиллик даврида миллий ғоя субстанционаллашуви ва институционаллашуви жараёнининг самарасини ошириш йўллари ва имкониятлари”** деб номланган 3 бобида бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва истиқлол даврида мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилган фаолиятнинг ижобий натижаларига алоҳида аҳамият қаратилади. Яъни мустақиллик йилларида миллий ғояга нисбатан давр эҳтиёжининг қай тарзда амалга ошиши истиқлол даврида мамлакатимизда унинг ғоявий асос ва мафкуравий концепция тарзидаги субстанционаллашуви ҳамда ушбу соҳага алоқадор муайян ташкилотлар ва институтлар тизими сифатидаги институционаллашуви хусусиятларини ифодалайди.

Бу жиҳатдан диссертацияда **“Миллий истиқлол мафкурасининг яратилиши – мустақиллик даврида ғоянинг субстанционаллашуви жараёнининг муҳим таркибий қисми”** мавзусининг ўрганилиши, юртимизда истиқлол даврида миллий ғояга оид концептуал парадигмалар, назарий асослар ва методологик тамойиллар ишлаб чиқилган, бу ҳақидаги яхлит таълимотнинг халқимиз тараққиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлганини исботлаш имконини яратди.

Иккинчи параграфда **“Мустақиллик йилларида миллий истиқлол ғоясига хос институционаллашув жараёнининг устувор йўналишлари”** мавзуида дастлабки йиллариданоқ миллий истиқлол мафкураси назарияси ишлаб чиқилиши мамлакат суверенитетини асраш, халқимизни пировард мақсадлар йўлида сафарбар қилиш, уни уюштириш ва жипслаштириш учун тарихий зарурат эди, деган хулосага келинди. Буни айни пайтда, эски мафкурадан воз кечиш натижасида пайдо бўлган бўшлиқни янги - миллий истиқлол ғояси ҳақидаги назария билан тўлдириш мустақилликни сақлаш ва уни мустаҳкамлаш учун амалга оширилган энг муҳим қадамлардан бири бўлганини яқин тарихимиз исботлаб турибди.

Буларнинг барчаси, ислохотлар натижасида муттасил янгиланиб бораётган бугунги Ўзбекистонда миллий ғоя субстанционаллашуви ва институционаллашуви жараёнини жамиятимиз ривожининг ижтимоий тараққиёт диалектикаси ва таълим стратегияси билан уйғунликда янада кенгроқ таҳлил қилиш эҳтиёжи сақланиб қолаётганидан далолат беради. Бу, ўз навбатида, диссертациянинг ушбу серқирра жараён билан боғлиқ мавзуларини келажакда тадқиқ қилиш истиқболлари ҳақидаги фикрларни асослашига имкон берди.

Диссертацияда бу масалалар “Миллий ғоя: Ўзбекистоннинг тараққиёт ва таълим стратегияси субстанционаллашув ва институционаллашувнинг самарали механизми” мавзуи таҳлилида янада аниқроқ намоён бўлади. Бу борада бугунги кунда мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим саналган миллий ғоя ва у асосда тараққий этаётган юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг мазмун-моҳияти, унинг субстанционал ва институционал хусусиятлари, илмий-назарий асослари ва амалий жиҳатларини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилган.

Мазкур мавзуни ўрганишда яна шунга эътибор берилдики, тарих сабоқларига кўра ҳар бир жамият ҳаётида шундай бурилиш паллалари бўладики, унда тараққиёт йўлидан бораётган халқлар тақдири учун дориломон ва муайян ривожланиш босқичига хос устувор тамойиллар ҳамда долзарб вазифаларни аниқлаш ҳаётини эҳтиёжга айланади. Бу эса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишлари ана шундан далолат беради. Диссертацияда миллий ғоянинг ҳозирги даврдаги субстанционаллашуви ва институционаллашуви нуқтаи назаридан бугунги кунда давр билан ҳамқадам бўлиш учун ушбу жараённинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш ниҳоятда муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этиши ёритилган.

Шу нуқтаи назардан, диссертацияда аҳолининг таълим тизими билан қамраб олинган ва қамраб олинмаган қисми орасида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг долзарб мавзуларини тарғиб ва ташвиқ қилиш билан боғлиқ усуллар ва воситалардан фойдаланиш самарасини оширишнинг илмий ва амалий жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтилган.

Унда хулосага келинганки, ҳозирги кунда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида яратилган 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси Ватанимизнинг замонавий тарихини, жамиятимизнинг тараққиёт босқичлари, бугунги кундаги устувор вазифалар моҳияти ва мазмунини чуқур ўрганиш, ушбу миллий тажрибанинг ўзига хос хусусиятлари ва замонавий имкониятларини янада яққолроқ англашда, ҳеч шубҳасиз, мустаҳкам назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда аҳолининг таълим тизими билан

камраб олинган ва қамраб олинмаган қисми орасида ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг долзарб масалаларини тарғиб ва ташвиқ қилиш аҳолининг барча қатламлари онгида миллий ғоянинг ҳозирги даврдаги субстационаллашуви ва институционаллашуви жараёнининг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини англаб олишга ёрдам беради.

Айни пайтда бу, ақлан етук, руҳан тетик ва соғлом, эркин ва мустақил фикрловчи, ҳамда ижтимоий масъулиятни тўғри ҳис этадиган, муайян касб-хунарни эгаллаган баркамол авлодни тарбиялаш Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг таркибий қисмига, асосий шарт-шароитига ва мақсадига айланганидан далолат беради. Мазкур йўналишлар миллий ғоя ва Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг назария ва амалиёт билан узвий боғлиқлигини яққол кўрсатади.

Диссертация ниҳоясида юқоридаги масалаларнинг ечимларига доир хулоса ва таклифлар баён қилинган.

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида миллий ғоянинг ижтимоий-фалсафий жиҳатдан субстационаллашуви ва институционаллашуви назарияси ва амалиёти билан боғлиқ масалаларни ўрганиш куйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Мазкур мавзунини ўрганишда яна шунга эътибор берилдики, тарих сабоқларига кўра ҳар бир жамият тарихида шундай бурилиш паллалари бўладики, унда тараққиёт йўлидан бораётган халқлар тақдири учун дориломон ва муайян ривожланиш босқичига хос устувор тамойиллар ҳамда долзарб вазифаларни аниқлаш ҳаётини эҳтиёжга айланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишлари ана шундан далолат беради.

2. Диссертацияда миллий ғоянинг ҳозирги даврдаги субстационаллашуви ва институционаллашуви нуқтаи назаридан бугунги кунда давр билан ҳамқадам бўлиш учун ушбу жараённинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш ниҳоятда муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этиши ёритилган.

3. Миллий ғоянинг субстационаллашуви тараққиётининг муҳим омили, у ушбу миллат вакиллариининг ижтимоийлашувида ва унинг ички тараққиёт механизмлари вужудга келишида муҳим роль ўйнайди.

4. Миллий ғоянинг субстационаллашуви ва институционаллашуви истиқлол йўлидан бораётган ҳар бир миллатнинг иқтисодий ва маданий даражасини белгилаб беради, унинг юксалишига хизмат қилади.

5. Миллий ғоянинг субстационаллашуви ва институционаллашуви зарурий характерга эга, чунки ҳар бир халқ ривожланиб борар экан, у ҳар доим миллий ғоялар тизимида, уни ривожлантириб туришга асос бўладиган ўз идеалларини шакллантиради ва уларга етишишга хизмат қилади.

Миллий ғоянинг субстанционал ва институционаллашув механизмнинг ишламаслиги оқибатида қуйидаги салбий ҳолатлар юзага келади:

1. Четдан нусха олинган ҳаёт тарзи ва усули, хатти-ҳаракат ва мулоқотнинг миллий ғоя ва у асосдаги этномаданият учун хос бўлмаган стереотиплари ва меъёрлари, ўзига хос мода, ишдаги мулоқотда ва кундалик нутқда хорижий ибораларнинг кенг тарқалиши;

2. Кўплаб кишиларда ватанпарварлик ҳиссининг камайиши, ўз халқининг қаҳрамонга ўтмиши ва тарихидаги муҳим ҳодисаларга, унинг миллий қаҳрамонлари ва маданий анъаналарига бефарқ, беписанд муносабат;

3. Ўзгалар ҳаёти ва тақдирига нисбатан бефарқлик ва лоқайдлик, миллат ва жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг камайиши;

4. Ривожланган порахўрлик ва гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик ва товламачиликнинг турли кўринишлари, иқтисодий жиноятлар;

5. Ижтимоий табақаланишнинг ўта сезиларли даражасига кўниккан ва унга интиладиган кишилар сонининг ортиши, фаровон бўлмаган оилалар кўплиги, болалар қаровсизлиги ва ҳоказо.

6. Хулоса қилиб айтганда, миллий ғоя субстанционаллашуви ва институционаллашуви кўп ҳолларда йўналтирувчи ва ҳаракатлантирувчи ғоя, тимсол ва манбалар орқали намоён бўлади, жамият ва инсонни эзгу мақсадлар сари йўналтиради, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди.

Тадқиқот жараёнида миллий ғоянинг субстанционаллашуви ва институционаллашуви назарияси ва амалиёти билан боғлиқ масалаларни ўрганишда қуйидаги тавсиялар берилди:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимизда миллий ғоянинг субстанционал асос ва институтционал механизм сифатидаги аҳамиятини оширишга ёрдам берадиган, бу борадаги тушунча ва тамойилларни янада кенгроқ ёйилишига хизмат қиладиган “Республикада миллий ғоя тарғиботини янги босқичга кўтариш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари масъулиятини янада ошириш механизмини самарали ташкил қилиш Дастури”ни тузиш ва уни амалиётга тадрижий тарзда жорий этиш зарур.

2. Ана шу дастур асосида “Аҳоли орасида миллий ғоя тарғиботини янги босқичга кўтариш, бу соҳада давлат ва жамоат ташкилотлари масъулиятини янада ошириш механизмини оптималлаштириш бўйича Йўл харитаси”ни тузиш ва уни амалга ошириш лозим.

3. Таълим тизимида тўпланган тажриба асосида “Миллий ғоя ва Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ўқув фани бўйича жамоатчилик асосида Махсус методологик комиссияни қайтадан ташкил қилиш, унинг ишини режали йўлга қўйиш ва шу мақсадда комиссиянинг фаолият дастури ва иш режасини ишлаб чиқиш ҳамда унинг амалиётини таъминлаш.

4. Комиссия қошида ташкил этиладиган ва шу соҳадаги ўқув ҳамда бошқа адабиётларни яратиш ва мониторинг қилиш учун махсус Эксперт

комиссиясини ташкил қилиш ва иш фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш асосида янги ўқув ва ёрдамчи адабиётларнинг мазмун-моҳияти ва талабларга жавоб бериш даражасини аниқлаш, зарур бўлган ўқув ва ёрдамчи адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш дастур-режасини тузиш, ижодий-таҳририй гуруҳларни шакллантириш, ижрочиларни аниқ белгилаш.

5. Республикамизда шу йўналишдаги тадқиқот дастурларини тузиш ва ишлаш бўйича ўтган йиллардаги тажрибани ўрганиш, бугунги кунда ушбу йўналишда аниқ натижаларга олиб келадиган лойиҳаларни умумлаштирган “Миллий ғоя тадқиқоти, тарғиботи ва ташвиқотининг самарасини янада ошириш дастури” тузиш ва алоқадор ташкилотлар ҳамкорлигида уни амалга оширишни ташкил қилиш.

6. Шунингдек, вазифаларни бажариш ва улар билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилишда халқнинг фикрларни мунтазам равишда ўрганиш ва жамлаш мақсадида илмий амалий анжуманлар, давра суҳбатлари каби тадбирларни ўтказиш, миллий тараққиётимизда ушбу соҳада кутилган натижаларнинг эришишига хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.27.06.2017.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МАМАРАСУЛОВ БАХРИДДИН ШАКАСИМОВИЧ

**СУБСТАНЦИОНАЛЬНЫЕ И ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ
ОСОБЕННОСТИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕИ**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2018

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2017.2.PhD/Fal77.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) вложен в веб-сайт Ученого совета samdu.uz а также в информационно-ресурсный портал “ZiyoNet” www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель:

Абилов Урал Мурадович
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хусейнова Абира Амановна
доктор философских наук, профессор

Мухторов Азамат
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский институт инженеров ирригации
и механизации сельского хозяйства

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета №DSc.27.06.2017.F.02.02 по присуждению ученых степеней доктора наук по философии (DSc) и доктора философии (PhD) при Самаркандском государственном университете в ___ часов «___» _____ 2018 года (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетская аллея, 15. Тел.: (8366) 239-13-87, (8366) 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40, e-mail: rector@samdu.uz Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, 105-аудитория)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под № ___). Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018г.
(Протокол № ___ от «___» _____ 2018г.)

Б.О.Тураев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

А.Р.Самадов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
кандидат философских наук, доцент

Ш.С.Кушаков
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На каждом этапе стремительного развития народов мира в основе их прогресса лежали определенные идеи и идеологии. В настоящее время эти идеи и идеологии под влиянием геополитических, геоидеологических и панидей порождают противоречивые, конфликтогенные факторы. Поэтому для предотвращения углубления этнополитических проблем на глобальном уровне, осуществления национально-этнической интеграции, нормализации социальной ситуации в полиэтнических обществах, для обеспечения межнационального согласия приобретает актуальное значение социально-философский анализ вопросов укрепления места национальной идеи в качестве институциональной системы.

В мировой науке исследование аспектов национальной идеи, которые служат национальному прогрессу, в частности, ее субстанциональных и институциональных особенностей в воспитании идеологического иммунитета, укреплении межнационального согласия стала одной из актуальных проблем социальной философии. Такие исследования играют важную роль в предотвращении этнических разногласий, сепаратистских движений, возникающих в некоторых странах. Поэтому считаются актуальным формирование институциональных основ национальной идеи и исследования ее субстанциональных основ в контексте необходимой категории социально-гуманитарных наук.

В национальном прогрессе Узбекистана считается важнейшей задачей дальнейшее повышение действенности национальной идеи, внедрении ее в сознание и сердца всех категорий населения, особенно, молодежи. В этом направлении в нашей стране проведена и ныне проводится весомая работа. Ибо, «важное значение приобретают формирование инновационной программы... Для этого нужна глубоко продуманная национальной идеи и национальная программа технологического развития Узбекистана»¹. Все это открывает широкую дорогу для создания фундаментальных теоретических основ субстанциональных и институциональных основ национальной идеи.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 19 мая 2017 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами», в Постановлении № ПП-3160 «О повышении эффективности духовно-просветительской работы и подъеме развития сферы на новый уровень» от 28 июля 2017 года, в Указе №УП-5106 «О повышении эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана” от 5 июля 2017 года, в Указе

¹ Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. -116-бет.

УП№4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года и других нормативно-правовых актах.

Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением ИТД–1 – «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень разработанности проблемы. Научно-методологической основой данного исследования послужили инициативы Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова по разработке национальной идеи для определения пути развития страны с первых лет Независимости, а также идеи о духовно-нравственных ценностях, национальном самосознании и необходимости дальнейшего укрепления независимости в произведениях Президента Шавката Мирзиёева.

В настоящее время ведется целый ряд научных исследований о социальной сущности национальной идеи, ее воздействии на духовно-социальную среду общества, изучения особенностей ее связи с потребностями, жизненными требованиями каждой нации и человека, ее системном формировании и развитии. Так, в частности, получили свое отражение в ученых-улемах священной исламской религии.¹ Вместе с тем следует особо отметить изыскания таких ученых, как Э.Юсупов, Х.Шайхова, С.Мамашокиров, И.Эргашев, С.Отамуродов, У.М.Абилов, Б.О.Тураев, К.Н.Назаров, А.Эркаев, А.Очилдиев, Ж.Яхшиликов и других².

Из зарубежных ученых Janusz Ziolkowski, Paul Burnstein, V. Bengtson, Riley M., Elisabeth Noelle-Neumann, и другие исследовали общие аспекты данного феномена; из числа ученых Содружества Независимых государств Э.Ильенков, В.С.Барулин, В.А.Беляев, Н.А.Бердяев, А.В.Осипова, И.Б.Сесюнина, Ю.П.Евдокимова и другие изучали частные аспекты данного вопроса.

Кроме этого, в годы Независимости были защищены диссертации А.Мухтаровым, Х.Саидходжаевым, О.Юсуповым, М.Собировой, Х.Расуловым, О.Маматовым, Ш.Тураевым, Р.Курбановым, в которых анализируются некоторые вопросы, связанные с темой.

Однако в вышеперечисленных трудах недостаточно изучены субстанциональные основы и институциональный механизм национальной идеи. По этой причине в данном исследовании нами предусмотрена разработка и обоснование научно-теоретических, методологических основ национальной идеи, анализ с социально-философских позиций функциональной интеграции ее институциональной системы и особенностей социализации.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи. - 2016. - 19 октябрь.

